

(ёш каламкашларга)

Бизлар бир ўткинчи, жаҳон баркарор,
Одамзоддан факат сўз колур ёдгор.
Фирдавсий

Инсоният тарихидаги хар тарафдан юкори тараккийни намойиш этувчи кайси бир аср ё халк тажрибасига назар ташламанг, муваффакиятни талай ибратли тадбир ва омиллар таъмин этганлигини кўрасиз. Юксалиш чора-тадбирлари сирасида касбу хунарга, илму маърифатнинг хилма-хил йўлларига ўз авлодларини оммавий йўллашга киришиб, бу ишни тинимсиз давомлатиш хамма вакт етакчи мавке касб этган. Халкона, мамлакатона микёсли шундай событ харакатлар доимо инсониятга ёркин самаралар берган. Шаркда хам, Гарбда хам ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ўсишлари кузатиладиган бундай тарихий замонларнинг олимлар талкинида, тегишли манбаларда, «уйгониш», «ренессанс», «кўтарилиш» каби атамаланиши расм бўлган. Халкимизнинг хозирги авлод фозил, олим, зиёли, маорифчилари соҳага йўналтириш тарбиятининг накадар мухимлигини, кадим айёмлардан ибраторумуз тажрибалар йигими борлигини, бежиз устоз-шогирд кабилидаги анъаналар амал килмаганини, окилона чораларни янада кучайтириб бормок хамиша зарурлигини тушунишади.

Деярли барча алломалар касблар, хунарлар, мансаблар, илмларга ёшларни тайёрлаб бориш жараёнининг коидалари ва кўрсатмалари борасида фикр-мулохаза юритишган. Илмий меросларда йўл-йўлакай билдирилган фикрлардан ташкари, тарихий манбалар ичида тўғридан-тўгри шу мавзуга каратилган рисола, маколаларга гувоҳ бўламиз. Шоирни, шеъриятни шакллантириш хам йўналтиришнинг доимий долзарб вазифаларидан бўлганини кўплаб манбалар тасдиклайди. Шеърият моҳияти, шоирликнинг табиати ва тарбияти, шу масаланинг юзлаб жихатлари тўғрисидаги хакконий хulosалар ва ўринли кўрсатмаларга жаҳон шоирлари ижодларининг ўзида хам минглаб намуналарга дуч келамиз.

Кайсин Кулиев:

Замин деб билган чог сени, шеърият,
Ёмгирдай ёгилдим gox ўтлокларингга.
Гоҳида бешафкат кўчкин корсифат
Вахму кутку солдим кучокларингга.
Кушод ва мукаддас яловинг тутиб,
Бўлдим лашкарингнинг одд,ий аскари.
Сени gox дарёдек тасаввур этиб,
Ўзимни хис этдим ирмок сингари.
Бурксиб тутаган чог туман ва тутун

Тангри ё расулмас, инсонинг бўлдим.
Кутлуг даргохингда таъмасиз, забун
Содик дастёрингу дарбонинг бўлдим.
Сенинг мавжудлигинг фахм этурман то,
Токи тарк этурман уйкуни сахар.
Гўзал кўрингайдир кўзимга дунё,
Асло туялмагай бу хаёт захар.
Химматим хаккига гамдан, кулфатдан,
Майли, асрмагин мени умрбод.
Асра локайдлигу енгил шухратдан,
Токи келтирмайин мен сенга иснод.
(«Шеърият»)

«Муаллим ус-соний» — Абу Наср Форобий (873-950) Аристотелнинг «Поэтика» китоби таъсирида ёзган «Шоирлар санъати конунлари хакида» рисоласида кўйрок бу санъатда фойда берадиган конун-коидалар, айни кобилиятнинг даражасини белгиловчи фикрлаш-мушоҳадалаш йўсинлари, турли жанрлар, уларнинг хосликлари ва шуаронинг тоифалари тўгрисида фикр юритса-да, рисоласининг учдан бир кисмини шоирлик санъати илмини ўрганувчилар фойдаланиши лозим бўлган умумий масалаларга каратади.

Форобий шоирликнинг психологик, фалсафий асосларини ишонарли таърифлайди: шоирлар чиндан тугма кобилиятли, шеър битишга тайёр табиатли бўлади, уларда ташбех ва тамсилга лаёкат яхши ишлайдиган бўлади; баъзи шоирлар тугма кобилиятларининг яхшилиги билангина каноат хосил килиб, мўлжалланган хозирликларига кўра иш тутадилар — бундай шоирлар чинакам мусалжис — мулохазакор шоирлар саналмайдилар; баъзи шоирлар чинакамига шоирлар санъатини эгаллаган бўлишади, шеъриятга хос бўлган хусусиятлардан бирортаси хам, у кайси шеър турига алокадор бўлмасин, барibir бу конун-коидалар ундан кочиб кутуломмайди, ташбех, тамсилларни маҳорат билан ишлатадилар — бу хил шоирлар чиндан кобилиятли шоирлар—ўша аввалги иккала табака шоирлар — ижодини ёдлайдилар, ўзларида тугма табиат бўлмагани холда, шеърий санъат коидаларидан хабардор бўлмай, улар кетидан боради-йўлдан адашадиган ва тоядиган шоирларнинг кўпчилиги худди мана шу табака шоирлар ичидан чикади; уч тоифа шоирларнинг хар бири ижодда ё табиийлик, ё мажбурийликдан холи бўлмайди, масалан, у яхши сўз айтишга табиатли бўлса, вазият ундан бошка турдаги шеър айтишга мажбур килиб колади; шунакаси хам бўладики, шеър санъатида энг оркада колган шоир юкори даражада ажойиб шеър ёзади, энг билагонлар хам унга teng келадиган нарса яратолмаслиги мумкин (сабаб: баҳт, тасодиф), лекин барibir бу шоир мулохазакор шоир саналмайди...

Мирзо Кенжабек:

Тенгдошларим масрур ютуклар билан,
Парвозудонглари кимгадир армон.
Мен эсам курашchan нутклар билан,
Маколалар билан бўлдим андармон...

Келгайдир мени хам тушунгич замон,
Елларга совурдим конли додимни.
Истикболинг учун, юртим, онажон,
Курбонликка сўйдим истеъдодимни...
Калбимнинг каърида шеър унган кундан
Борми хаётимда кутлугрок сана!
Кон силкиб турганда сенинг кўксингдан,
Мен кандок шўх куйчинг бўлайин, она?!..
Охим! Осийларни оёкка калктири,
Киёмат кўргузмай далил-хужжатин.
Ки бу хам яшашга хакки бор халкдир,
Калбларга қадаб кол қасос кўчатин!
Муте кисматимиз — жаҳоний тилсим,
Кўкламни алишдик мунглут ҳазонга.
Лаънатлар, лаънатлар, лаънатлар бўлсин
Хур калбни банд этиб кўйган ёмонга.
Ким зиндан тузумни яшар куллуклаб?
Ўликлар тушунмас конли додимни.
Юртим! Эркинг учун ўзим куллуклаб,
Курбонликка сўйдим истеъдодимни.
На иход, на доврук — истак-нажотим,
Дилларни поклайн ноҳак шубҳадан:
Буткул сабил колсин менинг иходим,
Факат озод бўлсин шу халк, шу Ватан!..
(«Публицистик дард»)

Форобий яна шундай ёзади: «...шоирларнинг шеър иход килиш борасидаги ахволи камолотга етишгани ва етишмагани жихатидан турлича бўлади. Бу эса ё гоя жихатидан, ё бўлмаса мавзу жихатидан шундай бўлади. Аммо гоя жихатидан олган такдиримизда улар шеърга баъзан унга ёрдам беролмай колади. Бунга баъзан рухий (нафсоний) кайфиятлар сабаб бўлади. Шунда ё рухий кайфиятлар устун келади, ё бўлмаса баъзан ўзи унга муҳтоҷлигидан тушкунликка учраб, пасайиб кетади... буларнинг ҳаммаси ахлок ва рухий кайфиятлар тавсифлари ҳамда уларнинг ҳар бирининг инсон рухига алоҳида таъсири хакида битилган китобларда керагича баён килинган». Форобий фикрича, санъат турларининг ичида «шоирликнинг танланиши одамда жуда улкан бойлик саналади».

Сайфи Саройи:

Жаҳон шоирлари, эй, гулшани бог,
Кими булбул дурур сўзда, кими зог.
Кими тўти бекин чайнар шакарни,
Кими лафзи билан ўртар дарарни.
Кимининг сўзлари мавзуну ширин,
Кимининг лойики ташрифу тахсин.
Кими ўзганинг ашъорин меним дер,

Кими халво киби шалгам чўбин ер.
Кими маъний кўюб лафзин тузотур,
Кими вазнин бузуб санъат кузотур.
Аларнинг ўш бири Сайфи Саройи,
Жахон орифларининг хоки пойи.
Ани сен жумла шоир камтари бил,
Камар юзга хамиша муштари бил.
(«Фи авсофи шуаро»).

Низомий Арузий Самаркандий (XII аср) каламига мансуб «Мажмаъ ун-наводир» («Нодир хикоятлар») номли, кейинчалик «Чахор макола» деб юритилган китобнинг иккинчи маколаси «Шеър илмининг мохияти ва шоир салохияти»га багишланади. Аллома ўз давригача бўлган хаётий тажрибалардан, умуман, асл талаб-мажбуриятлардан келиб чикиб, сўзлар воситасида ишловчи ижодкорларни шакллантириш, уларнинг парвариши, улар зиммасидаги масъулликлар, шоирларнинг маънавияти хамда тажрибада такомиллашуви сингари масалаларда фикр юритади. Бўлажак шоир «ёшлик айёмида ва йигатлик давронида ўтмиш шоирларининг шеърларидан 20000 байтни хотирасида тутмаса, замондошларининг асарларидан 10000 мисрани ёд билмаса, устодлар девонини доим мутолаа килмаса, улар сўзнинг нозик томонлари ва кийин жойларини кандай йўл билан хал этганликларини ўрганмаса, юксак даражага етмайди хамда шеър навлари ва йўллари унинг табиатида ўз ифодасини топмайди, шеърнинг яхши ва нуксонли томонлари аклининг сахифасида ўз аксини кўрсатмайди, сўзлари буюклик томон, табъи эса камолот сари майл кўрсатмайди», деб ёзади Низомий Арузий Самаркандий.

Унингча, хар кандай хунар кишисини ёшлиқдан тарбиялаб борилгани каби иктидори сезилган шоирни хам вояга етказиш осон кечмайди. Ёш ижодкор шеърият назариясига доир ўтмиш аждодлар яратган асарларни чукур-пухта билиши, илми аruz, илми кофия, илми бадеъ масалаларини ўзлаштириши, шуларга оид китобларни тинимсиз ўкиб бориши зарур. «Шоирнинг руҳи тоза, фикри кенг, табъи латиф, кўнгли тўғри ва зехни ўткир бўлмоги лозим. У яна турли фанлардан хабардор бўлиши, хар хил одатлар билан таниш бўлмоги керак. Чунки шеър хар бир илмда кўл келиши ва хар хил илм шеърда ифодаланиши мумкин». Мабодоким, шоир ёш бўлса, бирок шеърлари хали яхши бўлмаса, кобилиятли эканлигига эса шубха йўқ эса, унинг яхши шоир бўлмогидан умид килса бўлади. Олижаноблик коидаси бўйича бундай шоирнинг тарбиясига киришиш вожиб, у хакда кайгуриш, меҳрибонлик кўрсатиш шартдир. Эл-юрт шоирларни, шеъриятни ардокламоги керак, негаким, улар туфайли номлар, воеалар шаъни дунёга ёйилади, тарихда колади. Барча акл сохиблари биладиларки, дунёда тазиккор хукмдорларнинг шон-шавкатидан хеч нарса колгани йўқ, Фирдавсийнинг хурмати ва назмлари эса хамон сакланиб турибди, зулм этгувчилар буни тушунгандарида эди, бу олижаноб кишини тахкир ва маъюс килмаган бўларди. Подшонинг лашкари урушдан безиб, чарчаб, хорийди, ватану рўзгорларини согинади. Ночор бўлиб, Рўдакийдан подшони ортга — юртга кайтишга кўндирансангиз, 5000 динор берамиз, дейишади. Мавлоно Рўдакий кўлига чанг олиб, Бухоро хакида ўша захотиёк шундай касида тўкиб ўкийдикি, подшо таъсирланиб беихтиёр ватанга кайтиш хакида фармон бериб юборади.

Абдулла Орипов:

Мен шоирман, истасангиз шу,
Ўзимники эрур шу созим.
Бирорлардан олмадим туйгу,
Ўзгага хам бермам овозим.
Мен куйлайман гох дилда кадар,
Гох севиниб шеър тўкийман мен.
Тингламаса ўзгалар агар,
Ўз-ўзимга шеър ўкийман мен.
Мен куйлайман ушбу оламда
Инсон бўлиб тугилганимни.
Мен куйлайман баъзан аламда
Йиглаб-йиглаб бўғилганимни.
Мен куйлайман бу олам аро
Магрут турган халкимни фактат.
Мен куйлайман ўтмишнинг каро
Зулматида йўклигин шафкат.
Керак бўлса, амр этса юрак,
Келтиурман умримга имон.
Менинг учун на таъзим керак,
На холвайтар каби шухрат-шон.
Шайдо бўлиб юрганда бирдан
Хаёлимга ташламанг каманд.
Мижгов ва паст, гийбат гаплардан
Жажжи шеърим кўюрман баланд.
Хаёл каби кенг эрур олам,
Майда гапни кўтартмагай шеър.
Керак бўлса менинг учун хам
Жавоб берар бобом Алишер.
(«Созим»)

Таникли тилшунос олим Алибек Рустамов ўзининг «Сўз хусусида сўз» китобидаги «Сўз далолати» бобида ўнлаб сўз ва сўз бирикмаларининг маънолари, уларни тўгри кўллаш нозикликлари хакида фикр юритар экан, «шоир» сўзига муносабатда мавзунинг турли кирраларини донишона талкин килади:

«Шоир» сўзининг лугавий маъноси «туйгучи» бўлиб, урфий маъноси шеърчидир.
«Шеър»нинг лугавий маъноси «туйгу» бўлиб, урфда, асосан, хиссиёт ва кисман тафаккур, кискача килиб айтганда, завқ натижасида вужудга келган бадиий сўзламни билдиради. Аммо шоир сўзи ўзининг билдириши нуктаи назаридан теран мазмунга эга бўлиб, маҳсус фазилатга эга бўлган кишини билдиради. Бундай киши биринчи навбатда инсон даражасига эришишга харакат килиши шарт. Бу фактат шоирга эмас, хамма учун керак. Лекин бу бўлмаса, шоирликнинг пойдевори, содда килиб айтганда, таги бўш бўлади. Пойдевори бўш иморат тез емирилганидек, инсоний асоси суст бўлган шоирнинг шеъри хам, ўзи хам тез шикаст ейди».

Олим инсоний асосларнинг, булардан ташкари, маҳсус фазилати шоирлик бўлган бола

учун зарзфий сифатларнинг энг мухимларига батафсил тўхталади: ўсимликда ўсиш бор, ихтиёрий харакат ва акл йўк, дараҳт бир ердан иккинчи ерга боролмайди; хайвонда сезги ва ихтиёрий харакат бор, акд йўк; иисонда жонсиз, ўсувчи ва бошка жонли мавжудодга хос ҳамма ҳусусиятлар бор, шу билан бирга уларнинг барчасида йўк бўлган акл ва нутк бор; «киши онадан етуқ инсон бўлиб тугилмайди, лекин етуклик истеъоди ҳаммада бўлади».

Соадатга эришаман деган ҳар бир болаининг ўз инсоний жихатларини ривожлантириши учун нима килиши кераклиги борасида Алибек Рустамов куйидагиларни таъкидлайди: ёмон хислатларни яхшилари билан алмаштириш; ичкораликни йўкотиб, оккўнгил бўлиш, ёвуз ният ва ёмон фикрларни эсга ҳам келтирмайдиган бўлиб, факат эзгу ният ва яхши амал билан ўзини машгул килиш; кўнгилдан кўролмасликни бутунлай чикариб, кўнгилга хайрихохликни мустахкам ўрнатиш; очкўзликдан тамоман кутилиб, кўзи тўкликни одат килиш; ўзини ёки наслу насабини ўзгалардан устун деб билмаслик; сурбетлик ва уятсизликни хаё билан алмаштириш; бутзга аъзоларни пок тутишлик — сўз поклиги беадаб сўзларни тилга олмасликда, кулок поклиги гийбатни эшитмасликда бўлгани каби; вужулдан танбалликни кочириб, меҳнатдан роҳат оладиган даражага эришув; тўзимсизликдан кутилиб, сабр-бардошга ўрганиш; ортиқча талаблар ўрнини каноат билан тўлдириш; кўпроқ ҳунар ва илм олиш; борлик томонидан инсон учун белгиланган вазифа унинг маънавий томони билан бөглиқдир ва саодат амалдадир.

Омон Матжон:

Хивада калъа бор калъа ичинда,
Бири — Ичон калъа, бири—Дишон.
Машхурдир бирининг номи очунда,
Бири нураб ётар беназар, бешон.
Не сир бу?
Бир ёнда мовий тафаккур
Кулф уриб турибди сокин, беозор.
Бир ён tengsiz жангда енгилган магрур
Ботир жасадидек эгасиз ва хор.
Ичон калъа демак—Хоразм фахри,
Бахорнакш гумбазлар, минор, сардоба...
Шундадир ул буюк Махмуднинг кабри,
Шундадир шон, гуур... Дишон —хароба...
Халкимнинг устувор рухи — зўр даҳо,
Мангулик топгандир Ичон калъада.
Уни бузмасин деб минг турли бало,
Калъа курилгандир Дишон—далада.
Азалий беомон бир хукмдир бу:
Одам—Дишон калъа, орзуси —Ичон!
Оз яшаб кўп захмат кўрса ҳамки у,
Рухин колдирмоги мумкиндир омон.
Мен бугун Хивада викорли турган
Асрий ёдгорлардан туюркан маъни,

Дейман: умр хикматин бобонгдан ўрган,
Асрамокни ўрган Ичон калъани!
(«Икки калъа»)

Барча инсонларга шарт бўлган мазкур хислатлар баробарида шоирнинг умуман санъат ахлига хос бўлган тубандагича фазилатларга хам эга бўлиши кераклигини Алибек Рустамов тўгри белгилайди:

«Булардан бири сезгирикдир. Санъаткор, хунарманд, олим, ёзувчи ва шоир пайкаш кийин бўлган жуда нозик нарса ва воеаларни сеза оладиган киши бўлиши зарур. Бундай хислатларнинг яна бири кузатувчанликдир. Кузатувчанлик кишига хар бир нарса ва хар бир ходисанинг сабабини аниклаб, окибатини олдиндан кўра олишга ёрдам беради.

Яна бири вахм, фантазиянинг кучли бўлишидир. Бу хислат янги буюм ясаш ва янги асар яратишнинг бош омилидир.

Яна бири завк бўлиб, бу инсоннинг гўзаллик, етуклиқ ва гўзалликдан лаззатлана олиш кобилияти ва лаззатланишидир».

Аллома шу завкнинг шоирга хос бўлган кирралари ва шеърнинг муваффакиятини таъминлашдаги ахамиятига, назм ва нозимлик билан шеър ва шоирлик тушунчаларининг мохиятан фаркланишига, шунингдек, шоирликнинг бошка умумий талабларига муҳтасар тўхтади. Бу йўриклар хам гоят ибратли бўлганлиги сабабли айни йўрик-хулосаларни тўлигича кўчирамиз:

«Шеър шоир завкининг маҳсус коидаларга бўйсунган нуткий ифодасидир. Шоир ўз завкини бадиий сўз билан ифодалаш санъатини эгаллаган завк ахлидир. Шеърни назмдан фарқ килиш керак. Назм вазн ва кофияли нутк бўлиб, у шеър хусусиятларидан холи бўлиши мумкин. Масалан, вазн ва кофияга солинган илмий рисолалар хамда барча завк натижаси бўлмаган баёнлар назм, лекин шеър эмас. Шунинг учун завк талабига жавоб берадиган насрий нуткини хам баъзи олимлар шеър сирасига киритадилар. Ўз нуткини назм билан ифодалай оладиган киши нозим дейилади. Нозимлик хусусиятигагина эга бўлган кимсанни шоир деб бўлмайди. Нозим шоир даражасига кўтарилиши учун, биринчидан, завк эгаси бўлиши лозим, иккинчидан, ўз завкини санъаткорона ифодалай билиши керак. Шеър шоирнинг «дарди»ни ўзгаларга билдиришга бўлган табиий эҳтиёжи натижасида вужудга келади. Аммо маъно ахлига мансуб соглом завкли шоирнинг бу дарди халк дардидан иборат ва инсон манфаатига каратилган бўлади. Хар кандай меҳнат самараси сингари шоир ижодининг натижаси — бадиий асар хам халк учун фойдали бўлиши керак. Бадиий асарнинг элга берадиган файзи унга лаззат билан бирга камолот багишлишдан иборат».

Кайсин Кулиев:

Кўкракдан кор кечиб интилмок,
То калтираб кетгунча тизза,
Юрмок керак, бу йўлни, юрмок,
Атамасдан фактат мўъжиза—
Шеърият дегани мана шу!
Ўзи учун сўкмок кашф этмок

Тошли, жарли кирлар кафтида
Ва юракни авайлаб элтмок —
Манзилгача очик кафтида—
Шеърият дегани мана шу!
Ўз севгисин айламок нисор,
Кайгули чог, бахтли дамда хам
Арслонга хам, чумолига хам,
Денгизга хам, арикчага хам —
Шеърият дегани мана шу!
Бир фалокат рўй берса кайдা,
Бўлмок лозим юпанч ва хамдард.
Зеро, ўзинг ётган бўлсанг хам
Каро конга беланиб шу пайт—
Шеърият дегани мана шу!
Бўлмок учун хаммага мадад,
Дардинг сенинг, дардинг, азизим,
Кулфат тортган одам дардидан
Кудратлирок бўлмоги лозим —
Шеърият дегани мана шу!

Алибек Рустамов ўз мулохазалари давомида ижод намунасининг гоявий-бадиий киммати тўгрисида куйидаги фикрларни билдиради: «Инсон камолотга билиш ва хайрли амал билан эришгани учун солим завкли шоир табъидан яратилган асар маърифий, тарбиявий, ва бадиий кийматга эга бўлади. Ўз навбатида солим шинаванда хам мана шу уч талабга жавоб беролмайдиган асардан коникмайди. Асосан, билим ташналигини асарнинг маърифий томони кондиради, амалда эса эзгу йўлга солиш вазифасини унинг тарбиявий жихати бажаради ва завк талабига унинг бадиияти жавоб беради. Асос эътибори билан вазифаларнинг таксимоти ш, ндай. Аммо асарнинг бу уч жихати ўз вазифасини бажаришда бир-бирига кўмаклашади. Бадиият асарнинг тарбиявий таъсирининг ортишига ва маърифат жихатининг яхши ўзлашишига ёрдам беради. Тарбиявийлик маърифатга бўлган интилишни ва бадииятнинг таъсирини оширади. Маърифийлик асарнинг тарбиявий ва бадиий томонларини мустахкамлайди. Асарнинг хар бир вазифасини унинг учала жихати биргаликда бажаради.

Шеърни тушуниш ва айтиш учун зарур бўлган хислатлардан яна бири хуштаъblick ва нозиктаъблукдир. Киши табиатан дагал бўлса, нозик нарсалар унинг кўнглини харакатга келтиролмайди. Яна бири тезфаҳмлик ва нуктабинликдир. Шоир нукта, яъни мазмундор ва гўзал гапларни тез тушуна оладиган ва ўзи хам айта оладиган бўлмоги лозим. Булардан ташкари, яна шоир бўлмокчи бўлган кимса тилни яхши ўрганиши, жуда кўп сўз билиши, классик ва замонавий шеъриятни жуда кўп ва яхши тушуниб ўкиши ва иложи борича кўп шеър ёдлаши керак. Масалан, Навоий ўзга шоирларга мансуб юз минг байтдан ортиқ шеърни ёддан билган. Шу билан бирга шеър коидаларини, кофия, вазн ва санъатларни яхши ўрганиши шарт».

Эркин Вохидов:

Икки шеър дафтарнинг икки бетида,
Бир ёнда — арузий, бир ёнда — бармок.
Дастхат бир, имзо бир шеърлар кетида
Лек ажаб, хамиша килурлар нифок.
Арузий бармокни тўпори, дейди,
Сен пастсан, мен сендан юкори, дейди.
Бармок уни кўхна харобасан, дер,
Парвозлар асрида аробасан, дер.
Мен эсам ўтмишу келажак аро
Ўрта йўлда колган бечорадирман.
Улар юрагимда килса можаро,
Келиштиrmок билан оворадирман.
(«Аруз ва Бармок»)

Шоирликнинг, умуман, бадиий ижоднинг шундай интизомлари борки, улар ижод кишисининг эътиқоди, кайси миллатга мансублиги, яшаш замони ёки макони сингари белгиларидан катъи назар, барча холатларда ўз ижросини тавсия этиб, талаб килиб туради.

Француз адабиёти ва саънатининг «олтин асли»ни вужудга келтирган «классицизм» оқими гарчи маълум бир маҳдуд карашлардан холи бўлмаса-да, ижоднинг туб шартларини адашмай белгилаб олиш хамда унга амалан риоя килишда маҳорат кўрсатгани боис улар маданияти тарихида ўз изини колдирган. Колаверса, унинг ютуклари ва тарихий шуҳратини таъминлаган конун-коидалар хам батамом соф янги кашфиётлар эмас, балки кадимият каърида, хусусан, антик замонларда тажрибадан галибона ўтган адабий амаллар эди. Мазкур оқим шу сабаб хам «классицизм» аталган. Адид Никола Буало-Деперс (1636—1711) бу оқимнингилмийтарзда айтилиши зарур карашларини нозим сифатида тўрт кўшиқдан иборат «Шеърий санъат» (Жамол Камол таржимаси) рисоласида тараннум этади. Куйидаги назмий мисралардан доимий яшовчан, хаммабоплиги исботланган талабларнинг тавсия килинаётганлиги беизох аён бўлади.

Никола Буало:

«...Ва лекин кимгаким табиат ато
Айламиш, ўшанга кўнади Хумо».
«Мехрибон онамиз — кодир табиат
Хар кимга буюрмиш ўзга бир талант».
«Эй, сиз, омад кутиб калам олганлар,
Тумтарок ном учун ичи ёнганлар,
Кўнглингиз бехуда гамга тўлиби.

Шуҳрат деб кийнамок ўзни не даркор,
Истеъдодингизни баҳоланг хушёр».
«Шоирки, хаддини билмаса ёмон,
Йўлидан адашиб колар бегумон».
«Шеърким, сахви кўп, хатоси бисёр,

Уни ўқимокка кимда токат бор?
Шоир жойлаштирсин барин жо-бажо,
Киришу хотима топсин бир адо...
Оксин воеалар бир оким билаи,
Ониймас, мунтазам бир ёлкин билан».
«Жамоатнинг фикри кўркинчли сизга?
Бас, катшкўл бўлинг асарингизга...
Танкид, эътиrozлар, хужумларки бор,
Сизга хакикатни кўрсатар ошкор.
Кибру хаволардан бўлингиз йирок,
Хушомадгўйларга солмангиз кулок.
У мактаб, оркадан тошлар отадир,
Сизга тахсин эмас, маслахат зарур!».
«Ўйинкарок хаёл сизни банд этар,
Сиз уни пардалаб айтсангиз, нетар?
Бехаё байтларга йўл берган кимса
Бехаё аталар ўзи, алкисса».
«Кўшик учун маъно, нафосат даркор,
Маст-аласт кийкирик, суронлар бекор».
«Ногохоний ечим, ногохоний нур
Ёритса сюжетни, киламиз хузур».
«Лекин ўта бедог этмаган маъкул...
Хар нечук холатда барк урсин албат
Кахрамон хулкига оид аломат.
Кўз солинг асрига, мамлакатига,
Улар муҳр босар инсон зотига».
«Мехнат ва тафаккур бўлмаса хамроҳ,
Шоирнинг илҳоми бўлур бебако».

Эркин Вохидов «Карздорлик» маколасида ёзади: «бир ёзувчининг адабиёт даргохига кириб ундан ўз ўрнини олиши учун минг бир шарту шароитнинг тажассуми керак бўлади. Ўша минг бирнинг бири адабий мухит ва бу мухитдаги одамларнинг хайриҳоҳлигиdir». Шоирнинг ёзувчи Нурилло Отахонов билан «Сўзни малхам деб билган даҳо» номли сұхбатида эса шеъриятга бегубор ошуфталиқ уйготувчи шаркона анъана хамда сўзнинг, бадиий фикрнинг маъно нозикликлари хусусида шундай ибратли хотирот хикоя килинади:

«Эсимда бор, тогамнинг улфатлариға чой ташиб хизмат килиб юриб, уларнинг шунака ажойиб сұхбатларидан кўп баҳраманд бўлганман. Алихон Согуний, Чустий, Маъруфхўжа Баходиров, ака-ука Шожалиловлар катнашадиган бу улфатчилик Навоий, Фузулий, Огахий, Машраб шеърларини талкин килиш билан ўтар эди. Мен бу даврага ўзим магзини чаколмаган байтларни тайёрлаб кўярдим, кўпчилик бўлиб улар бу байтларни шарх килишар эди. Йўл-йўлакай, мавзудан андак чекиниб бўлса хам, шу улфатчилик билан боғлик икки воеани айтиб берай. Фузулий девонида бир байт бор:

Банимким гамларим вордир, бийириин устина кўйсанг,

Чикар кофир жаханнамдан, кулиб ахли азоб ўйнар.

Мазмуни бундай; Менинг шундай гамларим борки, уларни тиянинг устига кўйсанг, кофир жаханнамдан чикади, азоб чекканлар кулади, ўйнайди... Ажабо, дейман, гамни тиянинг устига кўйиш нимаси-ю, кофирнинг жаханнамдан чикиши нимаси? Буларнинг кандай алокаси бор? Хаттотнинг хатосимикин? Ундаи десам, хамма девонларда шундай ёзилган.

Байтни ўкиб берганимда уни хеч ким шарх килолмади. Мажлис тўрида Алихон Согуний улфатларни имтихон килгандай жилмайиб ўтирас эдилар. Нихоят, у киши, кани бир кўлни очинглар, деб Фузулий хакига узун дуо ўкиб, сўнг байтни шарх килиб бердилар. Пайгамбаримиз айтмишларки, кофир абадулабад жаханнамда бўлади. Туя игнанинг тешигидан ўтса, кофир дўзахдан чикади, яъни хеч качон чикмайди. Фузулий байти шу хадисга ишора экан. Менинг шундай гамларим борки, улар тиянинг устига ортилса, туя ипдек озиб кетади ва игнанинг тешигидан ўтадиган холга келадибо кофир жаханнамдан чикади...»

Кўпчиликка хайратлар бахш этган, кўпларнинг аклу идрокини ўзига ром этган, хамма давр ва жамиятларда кадрланиб ўкиладиган дониш китобларнинг ижодхонаси билан боғлик турли масалалар, уларнинг кай йўсиндаги изланишлар натижасида вужудга келганлиги, айникса, бошловчи каламкашларни жуда кизиктиради. Изланилса, жаҳон адабиётшунослигинийг энг кимматли тажрибалари уларга адаштирмовчи, аксинча уларни ёзувчиликда тўғри такомил йўлига бошловчи тавсияларни тақдим этади. Бунда, ижодий шаклланиш ёхуд асар яралишини кузатиш, мўлжали машхурлик микёси хамда мактов-унвон даражаларига караб эмас, уларнинг хар жихатдан етуклигига кўра белгиланиши максадга мувофик.

Адибларнинг ўзлари томонидан битилган адабий-назарий карашлар, хотиралар, маколалар, лирик ёки насрый чекинишлар, танкидий мулохазалар хам адабиёт илмида кадрланувчи манбалардир. Кам сонли авар халкини дунёга танитган шоир Расул Хамзатов ўзининг насрдаги илк асари — «Догистоним»да бадиий ижод кишисининг миллат ва инсоният олдидаги масъулияти, оламда шеъриятни нечоглик тушуниш-тушунмасликлар борлиги, ёзувчиликнинг хилма-хил муаммолари тўгрисида хам бахс юритади. Асарнинг бевосита шу мавзудаги фикр-мулохазалари чукур идрок этилса, улар оркали ёркин сиймо-истеъдоднинг шуурий шаклланиш жараёнини хис этмок мумкин:

«... Адабиётнинг манбаи —она-диёр, она-халқ, олатил. Лекин хакикий ёзувчининг онги букун ўз миллий доирасидан анча кенг. Унинг онгига, унинг калбида умуминсоний ўйлар ва туйгулар тутён килади.

... Йўлга чиккан хар одам Курук чикмас бегумон. Олар йўлга кўшик хам. Эшит, азиз, эй, меҳмон, Соз кўшикка бой бу эл, Куйлар бизда кўп, аммо — Кўшигингни олиб кел, Кўшик керак доимо.

Ёзувчи —хакими хозик. У халкнинг асрлар давомида фойдаланган гиёхлари, дори-дармонларидан хам жаҳоний илмнинг энг сўнгги кашфиёти бўлган муолажа воситаларидан хам баҳраманд бўлмоги керак.

Ёзувчи — сафарга чиккан йўлчи. У ўзга юртларга йўл олар экан, калбида ўз диёрининг кўшикларини олиб бормоги ва шу билан бирга юрагидан ўзга халкнинг кўшикларига хам жой топмоги керак.

Бир халк уни кузатади, бошка халк каршилайди. Аммо хар бир халкнинг ўз кўшиги бор». «Гоя сўзда эмас, амалда кўриниши керак. У китобнинг ўзида бўлиши керак. Муковада мана мен деб туриши шарт эмас. Гапнинг охирида айтиладиган сўзни бошида айтилмайди.

Янги тугилган боланинг бўйнига, ёмон кўздан асрасин деб, тумор осишади. Туморнинг фойдаси борми, йўкми, гап бу хакда эмас. Лекин шуниси маълумки, тумор ичдан такилади. Хеч ким уни тўнининг устидан, кўрсатиб такиб юрмайди.

Хар бир китобда аиа шундай тумор бўлиши керак. Уни ёзувчи билиши, ўкувчи сезиши керак, аммо у кийимнинг ичida бўлиши керак.

Бомбайда ажойиб бир бог бор. Хар кандай жазирама иссик бўлишига карамай, бу бог доим кўм-кўк бўлиб яшнаб туради. Маълум бўлишича, богнинг тагида кўзга кўринмайдиган кўл бор экан. Ана шу кўл богнинг гулларига хаёт суви берар экан.

Гоя тошдан тошга сакраб, кўпириб сув сачратиб окувчи жилга эмас, балки экиннинг томирига жон берувчи, аммо ўзи кўринмай колувчи сизот бўлиши керак».

Хамзатов сўзни саралаш, окил каломни кидириш машаккатлари хакида ибратли фикрлар билдиради, ёзувчининг тил бойлигини дехконнинг хосил бойлигига киёслайди. Бошокларнинг сонусаноги бўлмайди, дон хам бехисоб. Аммо дехкон кўл ковуштириб ўтиrsa, дон ўз-ўзича хирмон бўлиб колмайди, уни етиштириш, ўриш, йигиш, сопириш керак. Шундан кейиншна дон тегирмонга тушиб ун бўлади, ун корилиб хамир, хамир эса зувала-зувала килиниб нон бўлади. Нон канча зарур бўлмасин, доннинг хаммаси тегирмонга бормайди — энг сараси уругликка саклаб кўйилади...

Шоир ўзини овули, ўз миллати, Аваристон олдидағина эмас, балки бутун дунё олдида бурчли хисоблайди. Барча адиллар, умуман, хар бир окил инсон ўз умрининг бурчини ана шундай белгиламоги лозим. «Мен хам оврупоча кийинаман, — дейди атокли шоир, — отамнинг папогини кийиб юрмайман. Лекин шеърларимни оврупоча кийинтармайман. Истайманки, менинг шеърларим Догистон миллий кийимида бўлсин... Мазмун ва шакл — инсон ва унинг кийими. Агар инсон чиндан окил, хушфеъл, чиройли бўлса, нега энди ўзига лойик кўркам кийинмасин? Чиройли кўриниши бор одам нега энди чиройли фикрларга эга бўлмасин?.. Хаёт мактабидан бошка яна кандай мактабни ўташим керак? Адабиёт назариясини ўрганайми? Ахир, шеърни кандай ёзишни ўйлагандан кўра шеърнинг ўзини ёзган маъкул эмасми?..»

Омон Матжон:

Шоир бўлмокчиман, дебсан хатингда,
Шеърият сирларин ўргатинг, дебсан.
Сен гўё чакмокканд тутиб отингга,
Борса кайтмас йўлни кўзлаб турибсан.

Шоирлик касб эмас минбаъд, укажон,
Шоирлик хикматdir, хикмат, укажон.
Эсимда: ок тутлар айни гарк пишган,
Яшил шохлар аро терардик кувнаб.
Шу пайт куртбокарлар келиб колишган,
Кўлида болтаю чопкилар ўйнаб.
Баргни обкетдилар бoggab, укажон,
Лекин бизлар колдик йиглаб, укажон. ...
Инсонлик—ўз хаккинг таниш, укажон,
Шоирлик—хақдея ёниш, укажон...
Умр гарчи узун, кечар бир онда,
Умр камалакдир ер ва кўкка дол.
Баъзи шоирлар бор — кўнгли осмонда,
Хатто ўз бўйича пастлаши малол,
Сен кўқдан излама маъни, укажон,
Аввал ўз ерингни таниш, укажон.
Бугун юрт хакида ўй сурсанг агар,
Оlamга бир кара: ким танир бизни?
Пахтангдан таниса ерингни башар,
Шеърингдан танисин юрагимизни!
Калбингни халкка эт минбар, укажон,
Жаҳон шунда сени тинглар, укажон.
Она тил! У бизга маъбад бетимсол,
Хар бир миллат учун ўз тили Она!
Тил—ўтмиш тил—буғун, тал—бу истиқбол,
Тил—она-халкингдан нурли нишона.
Не бор «она» деган сўздек, укажон,
Ўзбексан, ўзбек бўл, ўзбек, укажон.
Ха! Шоир калбининг харитасида
Сўз, туйгу, ранг, имон эрур бош томир.
Оролдек денгиз хам курир, аслида,
Айкириб оқмаса Аму билан Сир.
Чўккиларга солшн ларзон, укажон,
Гувлаб турсин улуг уммон, укажон.
Ўтган устозларда кисмат ягона:
Сўздан номдор улар, сўздан хунбагир.
Когоз-ку бир охдан учгай тўлгона,
Унга муҳрланган хакикат оғир.
Енгили ризк бўлмас бизга, укажон,
Канот бер энг юқдор сўзга, укажон.
Сен магрур камтар бўл! Лекин бир четда
Чекиниб яшама якка, хор, нолон.
Жаҳонда хар недан Адолат катта,
Лекин митти калбdir унга ошиён.
Кўз тутар одамлар, халкинг, укажон,
Бош устида бўлсин калбинг, укажон.

Сен дўст бўл, вактида фош эт Ягони,
Ишқда Отеллодан бўлгин беш баттар.
Асраб колмок учун Мўмин Мирзони
Тутказ Алишернинг кўлига ханжар...
Шоирнинг юраги догли, укажон,
Сен хам шу дард билан огри, укажон.
Долгалар гоҳ тиниб, шоирнинг калби
Афсонавий кўлдек сукутда онлар —
Топилар, тош отиб тўлкин чикариб,
Томоша килишга хавасманд жонлар.
Кўйни тошлилар кўп, кўпдир, укажон,
Тўлкин ур, четга сур, чўқдир, укажон.
Борди-ю, сендан хеч чикмаса шоир,
Зарур жихатларнинг кам бўлса бири,
Ўксима, тонгда тур, табиат сохир,
Кара, рангин шеърдир ўзбекнинг ери.
Шу юртни бир умр севсанг, укажон,
Хакикий шоир хам сенсан, укажон!

Кай бир замонда, дунёнинг кай бурчида бадиий адабиёт хусусидаги баҳсларга качонки «шеърият керакми, нокерак?» деган тортишув ўралашган бўлса, шеъриятнинг бошка санъат навлари унинг ўрнини боса олмайдиган бир санъат эканлиги хакидаги назарий хамда амалий хulosалар хамиша голиб чиккан. Ва баҳс мавзуси шундай кўйилишининг бехудалиги осон, тез фахм этилган. Шеъриятни нокерак ходиса санамок, инсоният билан унинг мудом хамдам колишига шубҳаланиш, унга омонат деб караш бугунги кунларда юзага чикиб колса хам ажабланарли, ноўрин.

Адабиётда аллакачонлар аксиомаларга айланиб кетган, аллакачонлардан бери баҳсга сабаб бўлишликдан колган ва исбот килиб ўтиришни талаб килмайдиган хакикатларни мантиқ билан диалектиканинг бор кучини сарф килиб ёклаш ачинарли хол эканини ўз даврида Белинский коралаган эди. Унинг ўринли хulosасича, адабиётни тушунишга оид оддий хакикатларни англамасликдан келиб чикувчи бундай баҳсларга жавоб кайтариш кийин бўлганидан эмас, осон бўлганидан одамни кийин ахволга солиб куяди: холбуки, киши ошпаз бўлмаса хам, таомнинг лаззатига тўгри баҳо бериши мумкин, шеър, роман, повест, драма ёзишни билмаган холда — ёзганларнинг асаллари хакида бамаъни ва тўгри фикр изхор килишга кодир бўлиши мумкин... («Рус адабиёти хакида ўй ва мулоҳазалар», Зиё Аминов таржимаси).

Александр Блок:

Ёшлик йиллар мавжи жўш урар яна,
Куч кайнар юракда, фикрлар кескин...
Аммо баҳтдан йўқдир ному нишона,
Таажжубларга хам ўрин йўқ лекин!
Йиллар даҳшатлидир, тўла хавф-хатар,
Таъкиб, игволардан мухит иборат.

Улардан сог-омон ўтолсанг агар,
Мўъжиза бор экан, дердинг, нихоят.
Нихоят, кўрадинг ўз кўзинг билан
Бахтга эхтиёtsиз эканин хаёт.
Сезардинг, ушалмас бу орзунг билан
Ярим умрингни хам этмаслигинг шод.
Завқ, ижод косаси лиммо-лим тўлиб,
Тошиб четларидан тўкилганини,
Менинг бахтим хисси бизники бўлиб,
Олам-ла мулокат тўкилганини—
Майин бир жилмайиш илиа бемалол
Эслаб кўяжаксан баъзи-баъзида:
Ётганин гўдакча оддий бир хаёл
Биз бахт деб ўрганган сўзнинг магзида.

Шеъриятга рагбату эхтиёж инсон сийратининг кисматидаги табиий психологик жараёнлардан бири эканлигини турли соҳалар олимлари аллакачонлар кайта-кайта исботлаган. Фозиллар, заковат ахли эса буни чукур тушунади, тушунтиради. Диний нуктаи назарларда, чунончи, исломий карашларда хам шеърият туйгуси ардокли, хурматли. Хуллас, санъатнинг бу соҳаси борасидаги илм учун шеъриятнинг керак-нокераклиги тўгрисидаги изланиш эмас, унинг нималиги, кандай бўлиши лозимлиги, конун-интизомлари, унга кандай эришмок мумкинлиги, ижод лабораториялари, серсамара шеъриятни вужудга келтириш вазифалари кабилар билан боғлик тадқиклар мухимдир.

Шоирни шакллантириш, шеърнинг тўкилиши, ишланиши, уни тушуниш ва унга муносабат хилма-хилликлари, мухит номаргуб бадиий талкинларни мажбурий килиб кўйганда хам чин шоирликда событ колиш-колмаслик тажрибаларининг турли халклар адабиётшунослиги тадқикотларида доимий ўрганилиши бежиз эмас.

Ўзи мансуб миллатни айрича ва кўпроқ севиб макташ, унинг шодлиги, кайгусига хамнафаслик изхор килиш, эл-юрти билан фахрланиш ёки унинг кайсиdir ноxуш иллатларини танкидлаш, умуман, халкининг илгор дунёкараш тарзи номидан сўз айтишга интилиш шеърият вакиллигига даъвогар хар ижодга ярашади. Аммо завкининг ва фикрининг тараннумига нохолис маҳдудлик, кибор миллатчилик, ўзгалар манфаатини менсимай, ўз миллати шаънини устун кўйиш сингари ботил кайфиятлар аралашса, бундай ижод заарали, инкорга лойик ва ўз жамият-мухитида хам одатда узокка бормайди. Шоирнинг, шеъриятини имкон кадар миллий килиб, барча ифодасини бутун инсониятга макбул келадиган охангларда куйлашидан бошка тўгри йўли йўк. Шундагина унинг барча адабий фикрлари, гоялари, тушунчаларининг маъно микёслари кенгаяди. Масалан, лирик каҳрамон ўзлигининг, ўз авлодининг, ўз халкининггина эмас, балки илгор тафаккурли инсоният шоирининг овози бўлиб эшитилади, хисланади.

Шавкат Рахмон:

Бахтиёрман деган биргина сўзни

айтиш учун керак канча куч, чидам,
гарчи бахт сўзларнинг энг ёқимлиги,
гарчи турса хамки тилнинг учида.
Оғир ботмасмикин бу сўз кимгадир,
тегиб кетмасмикин ох-вохларига,
кандок бардош бериб яшайман кейин
бахтсиз кимсаларнинг нигоҳларига.
Аввало, бу сўзни ўзгалар айтсин,
айтсинлар кўзлари кувончга тўлиб.
Элнинг бахти учун умрини тиккан
шоирлар айтмасин биринчи бўлиб.
Бу сўзни бир умр айтмай яшадим,
хар шодлик келганда юрдим секинрок.
Гам сўзин элимдан аввалрок айтдим,
Бахт сўзин айтаман элдан кейинрок.

Чин шоир калби ва зехни шахсий-ижодий кусурлардан озодалашиб, фазилатлари бойиб-мунаварлашиб борсагина яхши натижалар беради. Чин шоирда ўзгалар дарди, муаммосининг бегоналик эмас, биродарлик аломатлари кўпроқ бўлади. Шеърлари руҳига дардошлиқ сингишмаган бўлса, шеъриятининг парвоз худуди чекланиб колади. Ихтиёrimиздан ташкари бўлган бу ёркин конунийликни хамма замонлар тажрибаси исботлаб келади.

Рус адабиётшуноси В. Г. Белинский ёзадики, «гениаллигини фактат ватандошлари эмас, балки хамма ерда ва хамма тан олсин, деган шоир учун миллий хусусият биринчи, бирдан-бир шарт эмас: бундан ташкари, у миллий шоир бўлиш билан бирга дунё шоири хам бўлмоги керак, яъни ижодиётининг миллий хусусияти жисми йўқ маънавий дунёнинг, умуминсоний гояларининг шакли, жисми, жону тани, жамоли, шахсияти бўлмоги керак. Бошкacha килиб айтганда: миллий шоир фактат биргина ўзининг ватани учун улуг тарихий ахамиятга эга бўлиб колмасдан, балки унинг дунёга келиши жаҳоншумул тарихий ахамиятга эга бўлмоги керак. Бундай шоирлар инсоният такдирида оламшумул тарихий рол ўйнамокдек, яъни ўз миллий хаёти билан бутун инсоният босиб бораётган йўлга ва тараккиётга таъсир килмока, ек бурчга мусассар бўлган халкларда вужудга келиши мумкин...» Олим яна шуни таъкидлайди: шоирнинг ахамияти баъзан унинг ўзига, унинг фаолиятига, тутган йўлига, генийсига боғлик эмас, балки шоирни вужудга келтирган мамлакатнинг ахамиятига хам боғликдир («Рус адабиёти хакида ўй ва мулоҳазалар»),

«... Агар бадиий асар, даврнинг устун фикрларидан ўзининг асосига эга бўлган кучли субъектив сабабларсиз, фактат хаётни ифодалаш учунгина хаётни ифодалайдиган бўлса, агар у азобланишнинг фарёд ёки завкланишинг мадхияси бўлмаса, агар у савол ёки саволга жавоб бўлмаса, бизнинг замонамиз учун жонсиз бадиий асар хисобланади... Эндиликда буюк асар хакида фикр алмашиш масаласи мана шу буюк асарнинг ўзидан кўра кам ахамиятга эга эмас. Буюк асар хакида нима демасинлар ва кандай гапирмасинлар, ишонингки, бу хаммадан аввал ўқиб чикилади ва завкларни, аклларни уйготади, бу асар хакидаги гап-сўзларга сабаб бўлади... бизга лаззатланишнинг ўзи оз

—биз билишни истаймиз, биз учун билимдан холис лаззатланишнинг бўлиши мумкин эмас...» (В. Г. Белинский — «Танкид хакида нутк», Озод Шарафидинов таржимаси).

Жамиятдаги инсонларнинг иктидор тоифаларини аник идрок этиш, бинобарин, ўзининг ва ижод мухитидаги кишиларнинг бу сифатларини тўгри белгилаш шахсий ва адабий ривож учун жуда мухим. Бу борада В. Г. Белинский одамларнинг уч тоифаси хакида сўз очиб, авом, талант, гений хусусида мустахкам хulosалар чикаради. Унинг фикрича, кўп одамлар харакатсиз кобилият эгалари бўлиб, ўзганинг кучини сезиб туриш ва доим бу куч билан хисоблашиш инстинкти уларда кучли бўлади, булар акли кишилар бўлиши мумкин, булар далил-исботларни тан олади, хукм килиш кобилиялари хам бор, сўзи ўтадиган кишига муҳтоҷ бўлади, авомнинг кўпчилик кисми ана шундай кишилар, буларга мустакил фикри борлар бошчилик килади, бу жараёнда барибир маънавий интизом бор, йўкса, одамларнинг тушунчаларида бирлик бўлмас, жуда катта анархия (тартибсизлик) вужудга келган бўларди. В. Г. Белинский назарда тутган кейинги икки тоифа одамлар эса куйидагилардир:

«Талант бирон иш килиш, ижод килиш кобилиятидан иборат бўлиб, кўпроқ ижоднинг формасига оидл,ир, бу нуктаи назардан эса талант ташки куч бўлиб, одамда акл, кўнгил ва инсон табиатининг бошка интеллектуал ва маънавий томонларидан катъи назар мавжуд бўлиши мумкин. Бирок формага мазмун керак, одамдаги маънавий кучларнинг мустакил иши эса хуади ана шунда жуда катта ахамиятга эга бўлади. Нарсалар тўгрисида ўз фикрларига эга бўлиш кобилиятидан маҳрум бўлган ва ўзга фикрни, ўйлаб ўтиришнинг хеч бир хожати бўлмаган кандайдир бир тайёр нарсадек бутунисича кабул килаверадиган кишилар билан бир каторда шундай одамлар хам борки, бир умр ўзгалар фикри билан кун кўрсалар хам, уни ўзларига сингдириб олишга, ривожлантириш, ундан янги хulosалар чикириш, унинг оркали бошка фикрларни топиш кобилиятига эгадирлар, бу кобилият эса бу тоифа кишиларни шу кадар чалгитадики, улар ўзларининг мустакил мутафаккирлар эканликларига жону диллари билан ишонгандирлар. Бунда уларни хакли деса бўлади: ўзлари харакатчан ва зехнлари тез бўлган бу одамлар бирон-бир фикр уларга кимдан ўтганлигини ўзлари билмайдилар хам, эсламайдилар хам, чунки четдан бўлган нарсаларнинг хаммаси уларга осонгина ва тезлик билан деярли онгсизларча, беихтиёр равишда юка колади. Акли одам билан хамгап бўлиш биланок ёки биронта яхши китоб ўкиб чикиш биланок уларда дархол бир канча янги фикрлар пайдо бўлади, улар эса бу фикрларни ўз фикрлари деб хисобламасликлари мумкин эмас. Бундай кишилар бошталар етакчилигига бўлиб, ўз навбатида, кўпга хам катга таъсир киладилар. Бундайлар жамият ичida хийла тез-тез учраб турадилар. Умуман олганда, жамият накадар, маърифатли ва ўкимишли бўлса, унда бу тоифадаги кишилар шу кадар кўп бўлади.

Нихоят, шундай кишилар борки (жуда кам), хакикатан хам улардаги заковатда ижодий ташаббускорлик бор. Улар хамма нарсага кандайдир бошкача, янгича карайдилар, хамма нарсада хам уларсиз бошка хеч ким кўра олмайдиган томонларни пайкаб оладилар, улардан кейин эса ана шу томонларни хамма кўради ва хамма хам, илгари шуни пайкамаган эканмиз, деб таажжубланади. Бу тоифа одамлар хеч бир мугомбир ва сирли одамлар эмас: буларнинг хаммалари оддий тушунадилар, бирок уларнинг одлий тушунчалари дастлаб хаммага хам жуда сирли, баъзан эса телбалик ва бемаънилик

бўлиб туюлади, кейинчалик эса шу кадар оддий бўлиб туюладики, кандай килиб шу нарса менинг хаёлимга келмади экан, ахир, бу жуда жўн нарса-ку! — деб таажжуланмайдиган нодон йўқдир» («Рус адабиёти хакида ўй ва мулохазалар»).

Ижодкор шахси, истеъоди, ижодкор шахснинг шаклланиши, индивидуаллик ва унинг таркибий кисмлари, бадиий услуб мазмуни ва қўлами, автор образи ва унинг асарда намоён бўлиш холат-шаклларига багишланган монографиясида адабиётшунос Ўрол Носиров шундай ёзади:

«Айтиш мумкинки, бадиий ижод инсон фаолияти ранг-баранг кўриниш ва типларининг маълум бир максадда ўзаро уюшган мураккаб комплекс холатида намоён бўлишидир. Бу ўзига хос комплекснинг хар бир холатида аклий ва жисмоний меҳнатнинг, дискурсив ва интуитив билишнинг такрорланмас яхлитлиги, фикр ва туйгунинг бир бутунлиги мавжуд бўлади. Мухими бу комплекс холат илмий тахлилга «ён бермас»лиги, гўёки ўз «сирли» лигини саклаб колишга интилгандай бўлиши билан характерлидир. Негаки ижодий жараённинг мухим фазалари ижод субъектининг ўзини ўзи кузатганида хам объектив тахлилга кийинчилик билан бўйсунади. Жумладан, ўзида юз берувчи илхомни айни юз берган пайтда барча тафсилоти билан ифода кишишга киришилса, илхом бошка максада, а характеристга келганлиги учун хам тезда сўниб колиши мумкин. Шу сабабли ижодкорлар илхом жараёни холатини у юз берган моментдан кейингина хотирада борича изохлашади. Илхом моментини кузатиш ижодкор холати хакида, асосан, биофизиологик фактлар (асабнинг таранг холатга кўчиши, руҳий ва жисмоний безовталиқ, нафас олиш ва кон составининг ўзгариши каби) берган, холос. Бу типдаги фактлар, хусусан, психология учун канчалик мухим ахамиятга эга бўлмасин, барibir, ижодий жараённинг ички мазмунига нисбатан ёрдамчи характеристга эга» («Ижодкор шахс, бадиий услуб, автор образи»).

Кўплаб ижодкорлар илхом жараёнини, ижодий изланишлар захматларини, шоир ёхуд ёзувчи сифатида шаклланиш меҳнатларини хилма-хил муносабатлар билан тушунтириб беришади. Уларнинг деярли барча мулохазалари бир-бирига одатда зид келмайди, аксинча, фикрлар бир-бирларини тўлдириб, умумий конуниятлар идрокига йўл очади. Адаб Хуршид Дўстмуҳаммад ўз тажрибасидан келиб чикиб, пгундай ёзади:

«Аллоҳ таоло иктидордан, истеъоддан кисмаса, кўлига калам тутган инсон бир йилда хам шаклланиши мумкин. Лекин хеч бир истеъод сохиби мен шаклланиб бўлдим, ижод чўккисига эришдим, деган гапни айта олмайди. Бадиий ижоднинг табиати шундай: кўлингиздаги калам хамиша сизнинг юрагингизга тахлика солиб туради, яъни сизни хушёрликка чорлайди, ўзингизни ўзингизга талабчан бўлишга даъват этади. Мана шу тахликани, чорловни ва даъватни хамиша хис этиб турган ижодкор изланишдан, кора меҳнатдан тўхтамайди.

Погонама-погона юксалиш... Хар сафар янги хикояни хаёлда пишишиб юрганингизда, уни когозга тушира бошлаганингизда аввалгиларидан зўррок асар яратаман деган туйгу сизга рагбат бериб туради. Бу фойдали туйгу, лекин хикоя яратиш мусобака эмас. Кайсирид бозка ёзувчидан ёки бўлмаса ўзимнинг бурунги хикояларимдан ўзиб кетадиган янгисини ёзишга интилиш эмас. Хар бир хикоя — янги ижодий кайфият!

Вокеликни ўзгача идрок этишга харакат! Пайдо бўлаётган хикоя зўр бўладими, гўр бўладими, ўкувчилар орасида шов-шув уйготадими-йўкми, хар калай, мен бу ниятда ижод столига ўтирумайман» («Беозор кушнинг каргиши», Шарқ нашриёти, 2006 йил).

Макола мобайнида шоирликнинг безовталантирувчи масалаларига тўқис ёки кисман жавобдек, олижаноб йўрикларига хисса ёки далилдек туюловчи шеърлар келтириб борилаётгани бежиз эмас. Бу мисоллар айни чокда шоирликни шеъриятнинг ўзидан ўрганмоклик мумкинлигига хам ишорат килади. Яна фикрламок, мушохадаламок учун, азизлар, маъноларнинг шеъриятдаги донишманд санъаткорлари — Бедил ва Пахлавон Махмуд ижодларидан танланган рубоийларга диккат киламиз. Улар хам шоирликнинг шартларидан, йўрикларидан огох этади.

Мирза Бедил:

Эй, тезпишар мева, бир дам эскирма,
Янгиланиш ўзи карам, эскирма.
Яшнаб турган bogсан, тиканзор эмас,
Эй, яп-янги маъно, хечам эскирма.

Бир оламдир куйим сехру оханги,
Тобора очилур янги ва янги...
Каломим сайрида гафлатда колма,
Бахорман, янги хар нафасим ранги.

Хар бир рамз сен билан менда, инсон,
Нозикфаҳмларга бу сирлар аён.
Ёкуб димогидек нигоҳ пайдо кил,
Кўйлаги исида Юсуф намоён.

Бедил, курук вак-вак бизга шон эмас.
Амир, султон мадхи бизга жон эмас.
Сўзларим тинглаб кўр, энг яхши оним,
Дўстлар хизматидан ўзга он эмас.

Бедил, ишоратинг кўп томони бор,
Унда жуда кўпдир эшигу девор.
Хоҳ «У» дегил, хоҳ «Сен» ёки «Биз» деб ёз,
Хак маъносин очар иборанг бисёр.

Сўздир акёнуслар беканораси,
Сўздир маъно деган гавхар хонаси.
Олий назм меҳнату чидам истайди,
Сўзнинг хам бор баланд, паст погонаси.

Ўз васфида олим гуфтори кизик,
Ўз ишкида мажнун ангори кизик.

Бу даштнинг кумлари тўзгиб битгунча,
Лофу хангоманинг бозори кизик.

Рамз гавхарин пардасиз Бедил термас хеч качон,
Бахор чечакларидан йигиб, этмиш у пинхон.
Маъно гулин минг рангда оча олган бўлса хам,
Тушунгандардан бирин айта олмади хамон.

* * *

Юз шевадир мен ёзган ашъор,
Ёзмадим уни мен бир кунда, якбор.
Таврот эмаски, унинг хаммаси
Тушса осмондан бир йўла тайёр.

Кай шеърда йиртилса пардайи унвон,
Мактуб рамзи бўлур ялангоч, урён.
Хаёлга не келса, ёпик колмагай,
Сир бўлмаса дилингда нихон.

Бедил, ишга кишилар бўлсалар якин,
Соядек оёгингда бўлур сарнигун.
Сенинг сўзларингни фахм этолсалар,
Ўзлари бўладилар маъною мазмун.

Бу даштда интилиш карвонлари бор,
Йўловчи шиматин нишонлари бор.
Камолга бир йўла етиб бўлмайди,
Тўлин ой йўлида нарвонлари бор.

То фазлу хунар-ла безанмай инсон,
Бирон баҳт эшиги очилмиш качон.
Жавхар билан темир бўлади пўлат,
Илмсиз ўз жинсидан чикмоги гумон.

Дўстлик тушунчадан колмади асар,
Вафодан нишои йўқ, риё жўш урап.
То яхшилик хаккин килмай мукаррар,
Ифодага кашшок хар шеърий асар.

Буқун бутун олам суханвар бўлди,
Шеърият фахми хам кўп душвар бўлди,
Шеърият ривождан колса, не ажаб,
Шоирлар товшидан кулок кар бўлди.

* * *

Инсон танасини айлаб имтихон,
Кайгаким карама тугун намоён.
Казо шунча бўгин-тугун солганким,
Ўлмай кутулмокка колмабди имкон.

* * *

Бедил сирли шеърин ўки, яхши бок,
«Бекорчи нукта кўп жуда йилтирок»,
Деб мени айблама, олий бир вужуд
Инсонда хам бордир хиссиз мўй, тирнок.

* * *

Ишку хавас водийсининг тунида, Бедил,
Хар кимсанинг шан максуди бирор бир манзил
Маъзур тутинг, менинг йўлим сўз йўли бўлди,
Умрим ундан яхширокка бўлмади мойил.

* * *

Эй, аклим кўли, сўз деб бало ёзма,
Хакикатсиз бирав бир наво ёзма.
Агар хакшунослик бўлса таъбингда
Ёркин куёш номин коп-каро ёзма.

* * *

Эй, хаёт мазмунини излаган одам,
Хар бир китоб сатрин дилга айлама малхам.
Бедил «Рубоийёт» ин сайр эт, топурсан
Дарду ибрат, тасаввуф, умр тадқикин хам.

Бедил, вахшатнок дил сочмокда шарап,
Раргузаштим айтсам деншзга агар,
Баликлар танаси чўгдек кизигай,
Тангаси ўт тушган когоздек ёнар.

Пахлавон Махмуд:

Кўзгумга берардим кечкурун сайкал,
Бокдим унга таник бўлган бир махал,
Шунча кўп кўринди ўз айбимки, мен
Ўзгалар айбини унутдим тугал.

Дарду алам билан умрин сарфлаш хайф,

Кайгу тиканидан жонни асраш хайф,
Жаҳон бош ичра куёш гулидек
Гунчалик лаззатин тотмай гуллаш хайф!

* * *

Дониш эрур отган ўқим нишони,
Дадиллик манбай — билимим кони.
Эзгулик осмонин маҳбусиман мен,
Занжирим — фазою само уммони.

Хар нукта хатимда ёнган юракдир,
Хар харфи коронгу зулмат демакдир.
Чекмасман окшомлар шамнинг миннатин.
Чунки, фикрим шамдан шульалироқдир.

Эй, ишқ, нечук ўтсан, ахир, дудинг йўқ?
Эй, гам, нечук куйсанким, сурудинг йўқ?
Эй, истак, нечуксан, туткич бермайсан,
Эй, шодлик, нечуксанким, вужудинг йўқ?

Сўзпастман, файзли нафас истайман,
Бир лутфда юзлаб хавас истайман.
Бу нокаслар лойик эмас танглашга,
Нозик сўзга бир серхавас истайман.

Мазмунин пешанам хатидан сўрай,
Такдирим кай йўсин ва качон сўрай,
Яхшиси, кўксимни ёриб бу холнинг
Аслини кон тўлган кўнглимдан сўрай!

Замоннинг зарбидан бош беидрокдур,
На дилнинг кўзгуси кайгудан покдир,
Саъй этма тўкиб тер тарбиятимга,
Тупрокни ювсанг хам у хокдир, хокдир!

* * *

Назар топган кимса — кийматли гавхар,
Кам ўйлаган кимса бўлур беназар,
Ишкисиз камол бўлмас ушбу оламда,
Косадан муромир, асли, косагар!

Хамдамлар кибр ила сўзларлар сўзин,
Чаманда гул дея билурлар юзин,
Туну кун соям-ла сўзлашурман мен,

Ёш бола кўргандек кўзгуда ўзин.

* * *

Хар кимса хам сенга ошино бўлмас,
Сени кимки билмас, у шайдо бўлмас.
Дардингда бўламан расво ва лекин
Дардингни асрайман, у расво бўлмас.

Шоирлик. Бу хунарнинг юки оғир ва шарафли кисматлигини, магар адашилмаса, унда икки дунё саодатига дохил бўлиш имкони кўплигини шу номга лойик ижод кила олган барча шоирлар, барча донишмандлар бешубха эътироф этиб келганлар.

Шоирлик нимадир? Унинг шакллануви ва тараккий тадрижини кандай белгиламок макбул? Тўгри, шоирлик нимадир, яшовчан шоирий ижод кандай синовларга бардош бера олмоги керак сингари назарий масалалар талкинини ўнлаб китобларда ифода килиш мумкин. Хислаётганимиз масалалар мулоҳазаларини хатто шеърий тушунтирилса бўлади: бундай фикрчанлик кисман шоирлик саналиб, маҳсули эса илмий назмкорлик хисобланади. Шеърият мавзуларининг бепоёнлиги сингари унга оид илмий мушоҳадаларнинг-да поёни йўқдир. Аммо бу илмга чукур киришмаслик хам мумкин эмас.

Шоирликнинг нелиги, ухдаси, шарти ва мажбуриятлари шеърий ижодларнинг ўзларидан, хатто маълум бир шеъриятнинг намуналаридағи образли карашлардан хам илганади. Бошкacha айтганда, сўз саънатига мухаббатли кўнгил, кидирса-кидирмаса, шеъриятга доир назарий тасаввур-хиссиётини ижодлардан топа олади. Кидирганда кўпрок, кидирмаганда эса, камрок бўлса-да, беихтиёр билимлар хосил килади. Умуман, шоирлик ва унинг атрофидаги талай масалалар хусусларида шоирона талкинларнинг ахамиятлари янада ўзига хос. Улар назарий карашларни шеъриятнинг ўзидағи бош хусусият — завқ билан биргаликда инсон онгига марокли етказади. Бундай ўрганиш натижасида ўкувчи-тадқикотчи зехнида унинг ўзи учун шоирларнинг дунёкараши, мавзулар ёки сўз сехрининг илганмаган куввати-кудратигина эмас, шоирликнинг кашфи хам рўй беради. Демак, айникса, юксак, улугвор шеърий ижодларни бир эмас, бот-бот, мунтазам мутолаа килмок, мушоҳада этиб бормок, асарлардаги барча асосий хамда ёрдамчи маъноларга, тагмаъноларга акл етадиган даражада интилмок дунёкарашни ўстирувчи, ижодкорликни тарбият этувчи завкли машгулотдир.

Тохир Шермуродов
2006 йил.